


12-28-2020

THE TOPIC OF MIGRATION AND APPROACH TO IT IN THE ONLINE PUBLICATIONS OF UZBEKISTAN

Nodira Zokhitova PhD Researcher

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, Tashkent, Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Zokhitova, Nodira PhD Researcher (2020) "THE TOPIC OF MIGRATION AND APPROACH TO IT IN THE ONLINE PUBLICATIONS OF UZBEKISTAN," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 7.

DOI: 10.36078/987654467

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss4/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Нодира Зохилова

Ўзбекистон миллий университети докторанти

ЎЗБЕКИСТОН ОНЛАЙН НАШРЛАРИДА МИГРАЦИЯ МАВЗУСИ ВА УНГА БЎЛГАН ЁНДАШУВ

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон миграция жараёнида фаол мамлакатлардан бири саналади. Бунда унинг асосий роли муҳожирилари етказиб беришда кўринади. Муҳожирилари масаласи бевосита иқтисодий ва сиёсий омиллارга боғлиқ. Бироқ, ушбу жараённинг қисман қандай кечишида ва унга бўлган муносабатнинг шаклланишида ОАВ, хусусан интернет нашрларнинг алоҳида ўрни бор. Ишнинг назарий асоси сифатида ўзбек тадқиқотчилари ва хорижий нашрларнинг бу борадаги таҳлилий мақолалари танланди. Мақолада мамлакатда етказиб бўлиб турган kun.uz, daryo.uz, qalampir.uz интернет нашрларининг мавзуга алоқадор бўлган материаллари ўрганиб чиқилди. Услубий воситалар сифатида умумий тадқиқот методологияси таҳлил ва синтездан фойдаланилди. Мақолада интернет нашрларнинг ушбу жараёнга бўлган муносабати, ушбу мавзунинг қай даражада очиб бера олаётганлиги, интернет нашрлар ва замонавий технологияларнинг ушбу жараённинг кечишидаги ва ёритиб беришдаги роли кўриб чиқилди. Меҳнат муҳожирилари ташқари, “ақллилар” миграцияси масаласининг интернет нашрлардаги кўриниши ҳам тадқиқ этилди. Кузатув объектдан “қочоқлар” масаласи ҳам четда қолмади ва ушбу мавзунинг ўзбек интернет нашрларидаги миқёси кенг эмаслиги кўринди. Нашрларда асосий эътибор россиялик меҳнат муҳожириларига нисбатан йўналган ва материалларда уларга ҳайрихоҳлик сезилиб туради. Пандемия шароитида меҳнат муҳожирилари аҳоли интернет нашрларда қанчалик ёритилиб борилаётганлиги ўрганилди. Миграция мавзусини ёритишда асосан хабар жанридан, ундан

Nodira Zokhitova

PhD Researcher, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

THE TOPIC OF MIGRATION AND APPROACH TO IT IN THE ONLINE PUBLICATIONS OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

Uzbekistan is one of the most active countries in the migration process. In this process, she participates as a donor country. The problem of migrants is directly related to economic and political factors. However, the media, especially online publications, play a special role in shaping attitudes towards him. Analytical articles of Uzbek researchers and foreign publications on this topic were chosen as a theoretical basis for the work. The article discusses topical articles of leading online publications such as Kun.uz, Daryo.uz, Qalampir.uz Analysis and synthesis of the general research methodology were used as methodological tools. The article examines the attitude of Internet publications to this process, the degree of disclosure of this topic, the role of Internet publications and modern technologies in the process and coverage of this process. In addition to labor migrants, the issue of “brain drain” was also covered in online publications. The problem of “refugees” was not ignored either, and it seems that it has not been widely disseminated in Uzbek Internet publications. The publications are dedicated to Russian labor migrants, and the materials are full of sympathy for them. It was studied how the situation of labor migrants in a pandemic is reflected in Internet publications. Migration is mainly covered in the news genre, followed by interviews and analytical articles. According to the results of the article, Uzbek Internet publications have made significant progress in this area in recent years (3 years). It has become clear that they are taking a broader and more open approach to the problem of migration and are listening to the plight of migrants. However, it was also noted that the role of bloggers is different from that of online publications. If the

кейинги ўринларда эса интервью ва таҳлилий мақоладан фойдаланилади. Мақоладан олинган натижага кўра, камчиликлардан ҳоли бўлмаган ҳолда ўзбек интернет нашрлари сўнгги йилларда (3 йиллик) бу борада анча етказилишни кўлга олганлиги, миграция мавзусига кенг ва очикроқ ёндашаётгани, муҳожирлар дардига қулоқ солаётгани намоён бўлди. Бироқ, бунда интернет нашрлардан ҳам кўра блогерлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг ўрни алоҳида. Европа медиасида қочоқлар масаласига янада жиддий эътибор Айлан Курдининг фожеали ўлиmidан сўнг бошланган бўлса, ўзбек нашрларида бу ҳолат Ақтўбе фожеасидан сўнг янада фаоллашди.

Калит сўзлар: меҳнат муҳожирлари, Ўзбекистон, ОАВ, миграция, “ақллилар” миграцияси, Россия, интернет нашрлар.

КИРИШ

Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятининг ҳуқуқий субъекти ва ўз иқтисодиётини жадал равишда бозор муносабатларига ўтказаятган давлат сифатида миграция жараёнларига юз тутган. Ўзбекистон иммиграция жараёнларида фаол мамлакатлардан саналади. Ундаги миграция йўналиши асосан Россияга ундан сўнг Қозоғистон, Туркия, Корея, АҚШга қаратилган. Ўзбекистонда ички миграция ҳам мавжуд. Бунда асосий йўналиш Тошкент шаҳрига қаратилган. Сиёсатшунос Фарход Толиповга кўра, Ўзбекистонда миграциянинг глобал бешта тури мавжуд бўлиб, улар меҳнат муҳожирлари, доимий яшашга кўчиб кетганлар, “ақллилар” миграцияси ва одам савдоси ҳисобланади. Аввалги икки миграция тури азалдан мавжуд, бироқ “ақллилар” миграцияси сўнгги йилларда фаоллашди ва аёллар миграцияси улуши ҳам ортди [Ф. Толипов, 2016; 3]. 1968–1970-йиллар давомида ўзбеклар орасида миграция кўрсаткичи совет мамлакатлари ичида сезиларли даражада кам бўлиб 1,4 %ни ташкил этган. 1990-йиллар давомида аҳолининг паст миграцион фаоллиги сақланиб қолди, фақатгина 1999-йилга келибгина эмиграция қилганлар сони, иммигрантлардан ошиб кетди [UNDP, 2008; 8]. “1999-йилда аёл меҳнат муҳожирларининг 2%дан камми ўзларини оила бошлиғи сифатида билган бўлсалар, 2000-йилликларда 50% аёллар оиланинг асосий боқувчисига айланганлар” [European Union, 2015; 18]. Кўпгина муҳожирлар бу йўлда ҳалок ҳам бўлмоқдалар. “2019 йилда 308 нафар ўзбек муҳожирнинг жасади Ўзбекистонга олиб келинган” [kun.uz, 23.01.2020]. Ушбу рақамлар ҳам миграция масаласини Ўзбекистон миқёсида тадқиқ этиш нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

problem of refugees in the European media began to attract more serious attention after the tragic death of Aylan Kurdi, in the Uzbek media the situation intensified after the tragedy in Aktobe.

Key words: labor migrants, Uzbekistan, mass media, migration, “brain” drain, Russia, online publications.

МАҚСАД ВА ВАЗИФА

Глобал ва кутблашган дунёда кишилар ўз манзилларини турли сабабларга кўра ўзгартиришга ҳаракат қилишлари табиий ҳолга айланиб улгурди. Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнда донор мамлакат сифатида ҳаракатланади. Миграция жараёни бевосита иқтисодий, сиёсий, ижтимоий омилларга боғлиқ ҳолда кечади. Бироқ, ОАВ хусусан, интернет нашрларнинг ушбу масалага нисбатан бўлган ёндашуви, муаммони очиб бера олиши ушбу жараённинг қисман қандай кечишида ва кишиларнинг унга бўлган муносабати шаклланишида асосий рол ўйнайди. “ОАВ орқали узатилаётган ахборот таъсирида Ўзбекистондаги кишилар оқимининг асосий йўналиши Россия, Туркия, Корея каби давлатларга қаратилган. Чунки, ОАВ орқали муайян мамлакатнинг яратилган қиёфаси ва филмларда кўриб ўрганилган ҳаёт тарзи муҳожирлар учун бегона бўлмаган жамият саналади ва шу сабабли, улар ушбу мамлакатларга кўчиб ўтишга ҳаракат қиладилар. Масалан, Ўзбекистондан борувчи муҳожирларнинг аксарияти Россия, Туркия, Корея, Америка каби давлатларни танлайдилар, бунга сабаб бўлган омиллардан бири эса Россия телёканалларининг кўп кузатилганлиги, Туркия ва Корея сериалларининг доимий намойишидир” [Зохитова Н., 2020; 447–455]. Шу маънода, интернет нашрларнинг бу борадаги ёндашувини ўрганиш ва таҳлил қилиш тадқиқотнинг асосий мақсадини ташкил этади. Онлайн нашрларнинг мавзуга бўлган позициясини аниқлаш, ютуқ ва камчиликларини ўрганиб чиқиш, мавзулар кўламини тадқиқ этиш ва интернет нашрларнинг ушбу жараёндаги аҳамиятини кўриб чиқиш унинг вазифаларини белгилаб беради.

УСУЛЛАР

Мақолада қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, илмий мақолани ёзишда кузатув, таҳлил, тарихий-қиёслаш ва назарий методологик усулларига мурожаат қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА МУЛОҲАЗА

Миграция тарихий, шу билан бирга тўхтатиб бўлмас жараён. Миграцияга нисбатан аввалгидек мутлақ салбий жараён сифатида қараш тенденцияси ўзгариб бормоқда. Миграция жараёнларининг мамлакат учун салбий ва ижобий тарафлари мавжуд. Асосий ижобийлиги иқтисодий тарафдан бўлса, салбий томони ижтимоий жиҳатларда намоён бўлади. “Кўплаб муҳожир оилаларнинг (45 фоиз) камида икки нафар фарзанди васийлар қарамоғида қоладилар. Ушбу болаларнинг деярли 63 фоизи оналари билан яшайдилар... Оила аъзолари, айниқса оналар, кўпинча 6 ёшга тўлмаган болаларини ташлаб, миграция қилишади” [UNICEF, 2020; 3]. Шу боисдан, миграциянинг болаларга бўлган таъсирини камайитириш мақсадида Ўзбекистонда UNICEFнинг “Ўзбекистонда болаларни миграция дастуридан ҳимоялаш дастури” ишга тушган [unicef.org, 2020]. Бундан ташқари, Ўзбекистон 2018 йили ХМТ (Халқаро миграция ташкилоти)га аъзо бўлди. Бу ҳам, муҳожирларнинг ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш учун қилинган қадамлардандир. Карим Баҳриев “EuraAsianet” сайтига берган

интервьюсида, – «Ўзбекистон меҳнат миграцияси муаммосига муносабатини тубдан ўзгартирмоқда ва мигрантларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ва улар ишлаётган мамлакат тараққиётига қўшган ҳиссасини эътироф этмоқда» – деб айтиб ўтган [refworld.org, 2020]. DW (Deutsche Welle) немис сайтининг таъкидлашича, Мирзиёев сайлағунига қадар ўзбек ОАВ муҳожирларга нисбатан қарши пропаганда олиб борган [dw.com, 2018]. Россияга бориш хавфли эканлиги, у ерда турли хил касалликлар юқтириб олиши ҳақида гапирган. Ҳозирги кунга келиб эса, вазият кескин ўзгаришини кўриш мумкин. Муҳожирларга, хусусан, меҳнат муҳожирлари масаласига интернет нашрларда кўп эътибор берилмоқда. Тенденция ҳам аввалгидан фарқ қилади. Хабар.uz нашри колумнисти Фируз Аллаев “Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан сўнг ҳукумат ва ОАВ ниҳоят муҳожирлар муаммоси ҳақида очиқ гапира бошлади” – деб ёзади [habar.uz, 2018]. 2017 йили Карим Баҳриев бош муҳаррирлигида “Migrants, labor and security” номли муҳожирлар масаласини ёритишга ихтисослашган журнал ҳам нашр этила бошланди (бирок, ушбу журнал кўп фаолият юритмади). Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда сўнгги 10 йилликда Ўзбекистон медиасида миграция жараёнларини ёритишга бўлган ёндашувни икки босқичга бўлишимиз мумкин. Биринчи босқич – 2010 йилдан 2016 йилга қадар муддатни ўз ичига олса, иккинчи давр 2017 йилдан кейинги босқични ўз ичига олади.

Ўзбекистондаги етакчи интернет нашрлардан бўлган kun.uz 2012 йилдан бери фаолият юритади. Сайт 2019 йилнинг ноябрь ойи давомида миграция мавзусига доир бўлган 28та материални ўз саҳифасига жойлаган. Улардан 4таси таҳлилий хусусиятга эга бўлиб, қолганлари хабар кўринишида тақдим этилган. Шунингдек, иккита мақола Кореядаги ватандошларга бағишланган. Уларда Кореядаги ўзбекистонликларга тавсиялар бериб ўтилган ва Россияда яшаётган ўзбек муҳожирларидан хатлар қабул қилишлари ва у ердаги муҳбирлар тақдим этилган муаммоларни кўриб чиқишлари айтилган. Булар эса, ОАВнинг миграция жараёнидаги ижобий иштирокини кўрсатиб беради. ОАВ нафақат мавжуд ахборотни тақдим эта олишини балким, муаммоларнинг асосий ечимларидан бири вазифасини ўтай олиши мумкинлигини кўрсатади.

Яна бир юқори кўрсаткичларга эга бўлган онлайн нашр ҳисобланган dayo.uz да эса, ноябр ойи мобайнида 17та муҳожир ва қочоқлар билан боғлиқ бўлган материалларни кўришимиз мумкин. Улардан 4таси қочоқлар билан боғлиқ. Миграция иштирокчиларининг бари ўз номи билан номланган, яъни юридик жиҳатдан қочоқлик мақомига тўғри келувчилар қочоқ, муҳожирлар эса муҳожир. Материалларда мигрантларга толерантлик муносабати сезилиб туради.

Ўзбек онлайн нашрларида муҳожирлар ҳақида эълон қилинадиган деярли аксарият материалларнинг мазмуни, ўқувчида ачиниш, ғазаб ҳиссини уйғотади. Масалан, “Ўзбекистон фуқароси Россияда оғир аҳволда топилди” (habar.uz, 29.08.2019), “Санкт-Петербургда ўзбекистонлик аёл совуқ қотишдан вафот етди” (habar.uz, 10.01.2019), “Санкт-Петербург шаҳрида Ўзбекистон фуқароси номаълум шахслар томонидан пичоқланган” (habar.uz, 10.09.2019), “Тожикистонлик эркак 2 йил давомида 15 ёшли ўзбек қизни зўрлаб келгани аниқланди” (sof.uz,

15.10.2019), “Россиядаги ўзбек аёллар нега ҳомила олдирмоқдалар?” (aniq.uz, 22.08.2019), “Россияда фожиали ҳалок бўлган икки мигрант тўғрисида янги маълумотлар берилди” (qalampir.uz, 09.02.2019) ва ҳоказо. Ушбу кўринишдаги хабарларни жуда кўп берилавериши этник можароларга сабаб бўлиши (масалан, юқорида номи келтириб ўтилган “Тожикистонлик эркак 2 йил давомида 15 ёшли ўзбек қизни зўрлаб келгани аниқланди” сарлавҳали мақолани олайлик, бу ерда миллатини алоҳида такидлаб ўтиш жоиз эмас эди), ўқувчининг кўнглини хира қилиши табиий (“...Ўзбекистон билан боғлиқ янгиликларни кузатаман. Кунда бўлмаса ҳам, кунора Россиянинг у ёки бу жойида ўзбеклар вафот этгани ҳақида ўқийман. Савол туғилади – ўзбеклар нима учун яшаяпти? Итдек ўлиш учунми?” (daryo.uz, 26.01.2018)).

Меҳнат муҳожирлари ҳақидаги материалларни асосан икки контекстга бўлиш мумкин. Биринчиси – уларнинг кетаётган манзилларига етиб олишдаги йўлдаги машаққатлари: –“Поездларда текширув кучли бўлаётгани учун беш кун ўша ерда қолиб кетдик” (daryo.uz 01.02.18), иккинчиси – у ердаги тўқнаш келган қийинчиликлари ва ҳалокатлар – “Буқа мигрантни сузиб топтаб ташлаган. Буқанинг хужуми натижасида ўзбекистонлик фуқаро тан жароҳати олиб, воқеа жойида ҳалок бўлди” (kun.uz 14.10.2019). Материаллар орасида уларнинг йўлга чиққунга қадар бўлган ҳаётлари ва уларнинг келажақдаги орзу-умидлари акс этган материаллар жуда ҳам озчиликни ташкил этади. Умуман олганда ҳар қандай иқтисодий, сиёсий муаммоларни кўрсатиб бера олган материал, у айнан муҳожирлар ҳақида бўлмаса ҳам, бевосита ушбу муаммонинг ечими билан боғлиқдир. Бунда ушбу сўзлар шунчаки, қоғозда қолиб кетмаслиги ва таъсир кучи бўлиши керак. Журналистик ва блоггерлик фаолиятини бир қадар эркинлашгани натижасида бу борада ўтган даврларга солиштирганда анча ютуқларга эришмоқдамиз. Кўплаб илмий рисоалар, қўлланмалар муаллифи профессор Ф.Мўминов айтганидек, “Журналистиканинг бош мақсади – ижтимоий инситут сифатида белгиланган натижаларга эришиш, жамоатчилик фикри ва кишилар хатти-ҳаракатида ижобий ўзгаришлар пайдо қилишдир”.

2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида интернет нашрлар орасида kun.uz нашри муҳожирлар билан боғлиқ муаммоларга энг кўп мурожаат қилган нашрлардандир. Россиядаги патентсиз муҳожирлар аҳволи ўрганилган, мигрантларни Россияда қамаб юбориш осон эканлиги ёритилган [2020.02.15. Мигрантни тўхмат билан қаматиб юбориш осон. Юрист Россия ҳуқуқ тизими ва муҳожирлар ҳақида], бироқ ушбу мақолада бир кишининг фикрлари ва мулоҳазалари билан чекланилган. Муаммони кенг очиб бериш учун муҳожирлар, туб аҳоли, Россия ички ишлар органлари ҳодимлари билан мулоқат олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Хусусий бандлик агентликлари фаолиятига ҳам тўхтаб ўтилган [2020.01.13. Миллион тўлаб Латвияга кетган муҳожирлари ватанга қайтиб келди]. Унда “Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги”, алданиб қолган фуқаролар фикрларига кулоқ тутилган, аммо ушбу агентлик вакиллари билан боғланилмаган. Материалларда ўқувчилар огоҳликка чақирилган. Ўзбек матбуоти материалларида фактлар етишмайди, аниқ далиллар билан мавзун

очиб бериш мавжуд эмас, одатда, курук фикрлар ифодаланади.

Ўзбекистонда сўнги йилларда ОАВ турли соҳаларда анчайин ўз таъсирини ўткази бошлади. Хусусан, улар ичида интернет нашрларнинг ўрни алоҳида бўлмоқда. Муҳожирларни пандемия даврида мамлакатга олиб келишга нисбатан барча нашрлар ижобий муносабатни намоён этган. Qalampir.uz сайтидаги “Хукумат чет элдаги мигрантларни қайтариши керакми?”, kun.uzдаги “Ўзбекистон четдаги фуқаролари учун чегараларни очиши керакми?” – ҳуқуқшунослар ўртасидаги мунозарада бу масалага фикрлар қарама-қаршилиги орқали жавоб берган ва хулосани ўқувчининг ўзига қолдирган. Муҳожирларнинг пандемия даврида Россия ва Қозоғистон чегарасида қолиб кетганликлари ҳам кўп бора ёритилди “Болаларимиз жазирамада ётибди, раҳмингиз келсин”. Россия-Қозоғистон чегарасидаги лагерда яшаётган юзлаб ўзбекистонликлар ёрдам сўрамоқда”, “Видео: Уйига қайтишни орзу қилаётган Самарада жойлашган лагердаги ўзбекистонлик муҳожирлар”, “Бийдек далада: ўзбекистонлик минглаб мигрантлар Россия – Қозоғистон чегарасида қолиб кетаётгани ҳақида”, “Қозоғистон чегарасида қолиб кетган ўзбекистонликлар қандай шароитда яшашга мажбур бўлди?” ва ҳоказо), бунинг натижасида жамоатчилик ҳаракатга келди ва бу ҳукуматнинг қарорларига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шу ўринларда, интернет нашрларининг кишилар онгини бошқаришга ва ҳукумат хатти-ҳаракатига бўлган таъсири кўринди. Муҳожирларни қўллаб қувватлаш мақсадида, рус ОАВда уларга нисбатан билдирилаётган салбий фикрларга ўз муносабатларини билдирганлар.

Шундай таъсирлардан бири, ЕОИИ ташкилотига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиш масаласи эди. ЕОИИ ташкилоти билвосита муҳожирлар муаммолари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу масала ҳам интернет-нашрларда кенг муҳокама қилинди (“ЕОИИга кириш учун муҳожирлар баҳонами?” [kun.uz, 2019.11.20], “Беҳзод Ҳошимов: Россияда ўзбек меҳнат муҳожирларининг патент олиши кераклиги ҳам сиёсий босим” [daryo.uz, 2020.01.04], “ЕОИИга кириш Ўзбекистонга нима беради?” [qalampir.uz, 2019.11.09], “Энг камида тушунарсиз ҳолат”. “Юксалиш” раҳбари Россия мигрантларнинг йўлини “тўсаётгани”га муносабат билдирди” [qalampir.uz, 2020.08.09], “Россиядаги ўзбек муҳожирлари юристи: “ЕОИИга кўшилиш ўзбекистонликлар учун кўпроқ салбий тарафдан кучли таъсир қилади”[qalampir.uz, 2020.01.27]. Кўплаб интернет нашрлар ушбу жараёнга салбий ёндашдилар, муҳожирлар фақатгина баҳона эканлигини ёритиб чиқдилар. Бу ҳам жамоатчиликда фикр уйғотди, уларнинг сиёсий онги шаклланишига ўз хиссасини қўшди. Албатта, ўз ўрнида ҳукумат қарорларига жуда оз миқдорда бўлса-да таъсир қилди (Хукумат қатъий қарорга келиб бўлган бўлса, биздаги ОАВнинг кучи уларни ўзгартириб юборар даражада мавжуд эмас. Фақатгина, бирданига “хаос” кўтариши ва яна жимиб кетиши, одатда, кузатилади. Шу сабабли ҳам, тўлиқ қабул қилинмаган қарор бўлганлиги боис ОАВ жамоатчилик фикрини уйғотиш орқали бунга таъсир ўткази олади).

Россияда муҳожирларни вақтинчалик сақлаш масканлари мавжуд. Унда депортация қилинишини кутиб турган мигрантлар сақланади. Ўзбек ОАВда у ер-

дан олиб тайёрланган материаллар йўқ. Бироқ, ушбу масалага маълум интернет нашрларида кам сонли материаллар мавжуд (“Ўзбек меҳнат муҳожирлари Россия МВС марказларида қандай яшамоқда?”, “«Уч йил олдин бу билан ҳеч ким шуғулланмаган» – Неъматов Россиядаги вақтинчалик марказларда сақланаётган муҳожирлар ҳақида”). “Меҳнат муҳожирлари “қароқчи”лик қилмайди” номли материал шулар жумласидан. Аммо, материал жуда юзаки ёзилган, фактлар билан очиб берилмаган, манбалар ўрганилмаган. Ўзбек тилида фаолият юритувчи (ББС, Америка Овози) асли хорижий ОАВ бўлган нашрларда ушбу турдаги материалларни топиш мумкин. Умуман олганда, цензура босими камлиги тўғрисида ушбу нашрлар материалларда миграцияга бўлган муносабат очиқ ва кескинроқ ифодаланади.

2017 йилга қадар меҳнат миграцияси, хусусан, аёллар миграцияси мавзусида ўзбек журналистлари жамиятнинг анъанавий нуқтаи назарини акс эттирганлар (аёл киши ишлаши керак эмас, чет элга чиқиш мутлақо хавфли, кўп четдаги аёллар тўғри йўлда эмас ва хоказо) ва муаммоларни иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий ривожланиш нуқтаи назаридан таҳлил қилмаганлар. 2017 йилларга келиб бу борадаги тенденция ўзгарди. Бу кўпроқ интернет нашрларда сезилди. Аммо, аёл муҳожирларга ўзбек ОАВда барибир кам ўрин берилишини пайқаш мумкин. Буни аёл муҳожирларнинг нисбатан улуши кам эканлиги билан ҳам изоҳлаш мумкиндир, аммо у қандай ҳолатда бўлса ҳам мавжуд, шунингдек, ички миграцияда уларнинг миқдори етарлича. Шу сабабли, нашрларда бунга эътибор бериш лозим.

Шунингдек, ушбу даврга қадар ОАВда миграцияга қарши бўлган пропаганда ишлари олиб борилган эди. Яъни, мамлакат ташқариси доим хавф сифатида тасвирланган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам “ўз уйинг-ўлан тўшагинг” деган фикр илгари сурилган. 2017 йилдан сўнг тенденция ўзгаргани сезилди. Муҳожирлар масаласи анчайин очиқ намоён қилина бошланди. Мамлакат ташқарисида меҳнат қилишларига асосий сабаб қилиб иқтисодий ва молиявий омиллар кўрсатилди. Бироқ, коммунал муаммоларга муҳожирлар мавзуси ичида эътибор қаратилмайди. Масалан, иш ўринларининг етишмаслиги ёки мавжуд эмаслиги натижасида (иқтисодий) ёки иш ҳаққи миқдорининг жуда озлиги ва у ҳаттоки, кундалик эҳтиёжларни қоплай олмаслиги (молиявий) миграцияни амалга оширишга сабаб бўлишидан ташқари, сув, газ, свет каби зарурий эҳтиёж манбаларининг йўқлиги натижасида ҳам иш ўрнига эга ва ўртача/оз миқдорда иш ҳаққига эга бўлган киши яхши ҳаёт илинжида иммиграцияни амалга оширади. Ички (чекка қишлоқлардан шаҳарга келган) ва ташқи миграцияни (Россияга қора ишларга борган) амалга оширган шахс борган ерида тўлақонли бўлмаган шароитларда ишласа ва яшаса ҳам, пул топишдан ташқари кундалик эҳтиёжлар учун зарур бўлган манбааларнинг борлиги ҳам унинг иммиграциясига сабаб бўла олади. Бу муаммолар ўзбек интернет нашрларида ёритиб бормоқда, лекин бу миграцияга сабаб бўлган омиллардан бири сифатида қаралмайди ва ёритилмайди. Ўзбекистонда ички ҳамда ташқи миграция етарли даражада мавжуд. Аммо, ОАВ, хусусан, интернет нашрларда ҳам асосан ташқи миграцияга эътибор қаратилади.

Ички миграция масалаларида "прописка" муаммосигина ёритилади.

Меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ энг маъшум ҳодисалардан бири Ақтўбе йўлида автобусда қулга айланган 52 нафар ўзбек ва Томскда бўлган ёнгин пайтида тириклайин ёнган 22 нафар меҳнат муҳожирлари воқеалари бўлди. Ушбу воқеадан сўнг нашрлар янада муҳожирлар масаласига эътиборларини қаратдилар. "Daryo.uz" интернет нашри Ақтўбе фожиасидан кейин "Муҳожирлар ҳаёти" номли лойиҳани йўлга қўйди. Унда чет элда яшаётган ўзбекистонлик ватандошлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб борилади". Бироқ, ушбу лойиҳа қисқа муддат фаолият юритган. У одатдаги муҳожирлар ҳақидаги қисқа хабарлардан фарқ қилади, унда муҳожирнинг бошидан кечирганлари ўз тилидан ҳикоя қилиб берилади. Ушбу лойиҳа доирасидаги мақолалар муҳожир тилидан, мамлакат ичида ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим муаммоларга ҳам урғу бериб ўтади: "Сабаби, бу ерда сал бўлса-да шароит – газ ва свет бор, қорин эса тўйса бўлди...бу ердаги пулимни Ўзбекистонда топиш учун кунига 25 соат ишлаш керак" [daryo.uz, 2018.01.2]. Шунингдек, мамлакатимиз ташқарисида фаолият юритувчи консулликлар (Россия) кескин танқид остига олинган. Бу daryo.uzнинг ютуғи десак бўлади. Муҳожирларнинг ўз тилидан ҳикоя қилинган бундай материалларнинг аудиторияга таъсири самаралироқ бўлади. Бироқ, лойиҳа доирасида фақат Россияда яшаётган ватандошларимиз ҳақида ҳикоя қилиб ўтилган. Бошқа давлатлардаги юртдошларимиз ҳақида материаллар йўқ. Мақолаларнинг 90 фоизи қийналган, оғир аҳволдаги муҳожирлар ҳақида. Фақат биргина "Россиядаги катта компанияда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган сурхондарёлик дипломсиз дастурчи ҳикояси" Россияда ўз ўрнига эга бўлган юртдошимиз ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу материал анча позитив руҳда бўлишига қарамай, унда юртимизда таълим соҳасидаги муаммолар ҳам кўрсатиб ўтиб кетилгани аҳамиятли. Ушбу, муҳожирлар ҳаёти доирасида олиб борилган лойиҳа муҳожирлар ҳаётини ҳикоя қилиш баробарида, аслида, мамлакат ичидаги ўтқир муаммоларга эътибор қаратган.

Аммо, шуни ҳам алоҳида такидлаш керакки, чет мамлакатларда муваффақиятларга эришган юртдошларимиз ҳам талайгина, бироқ ОАВда ушбу руҳдаги мақолалар деярли учрамас эди (kun.uz онлайн нашрида googleда фаолият юритувчи ва БААдаги нуфузли компанияда ишловчи ватандошларимиз ҳақидаги мақолани айтмаганда). Бунга иккита сабаб бўлиши мумкин, биринчиси – Европа ёки Америкада истиқомат қилаётган юртдошлар ҳақидаги маълумотларни тўплашдаги моддий тарафлама муаммолар, иккинчиси – ушбу тоифадаги инсонлар ҳақида гапириш қийинчиликда қолган меҳнат муҳожирлари фонидида муҳим деб ҳисобланмаслигидир. Лекин, бу у қадар тўғри эмас, ютуқларга эришган юртдошларимиз ҳақида танишиб бориш кунора ўзбекларнинг аянчли тақдири ҳақида ўқиб бораётган ўқувчида ғурур туйғусини уйғотади, мотивация беради. Яна бир жиҳат борки, ўзи "олтинбош"лар чет элга чиқиб кетаётган даврда, ушбу турдаги мақолалар уларнинг сони ортишига хизмат қилиши мумкин. Масалан, рус нашрларида эмиграция қилиб кетган "ақлли" рус фуқаролари ҳақида сўз кетганда, уларни у ердаги ютуқларига аҳамият берилмайди. Асосий

эътибор уларни мамлакатда олиб қолишга қаратилган бўлади. Бу ҳам тўлиқ тўғри эмас. Демак, бунда “олтин” чегарани аниқлай олиш журналистнинг маҳоратига боғлиқ. Тиббиёт, таълим, ҳуқуқий жиҳатларнинг яхши эмаслиги натижасида “ақллилар” миграцияси амалга ошади ва “ақллилар” миграцияси интернет нашрларда 2017 йилдан бошлаб ёритиб борилмоқда. 2017 йили Президент Шавкат Мирзиёев “БМТнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган сессиясига ташрифи давомида, Америкада фаолият юритувчи доктор, профессор, бизнесмен, ҳуқуқшунослар билан учрашди ва уларга ватанга қайтишни, яхши шароитлар ва ойлик ваъда қилди” [amerikaovozi.com, 21.07.2019]. “Олтинбош”ларни юртга қайтариш учун “Буюк келажак” нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг экспертлари чет элда таълим олган, фаолият юритаётган юртдошларимизни юртга қайтариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Чунки, мамлакат ривожини учун ўзимиз ана шундай “олтинбошлар”га муҳтожмиз. “Буюк келажак” нодавлат нотижорат ташкилоти Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил қилинмагунга қадар, хорижда истикомат қилувчи “олтинбошлар” ҳақида ОАВда ҳеч қандай материални учратмас эдик, десак муболаға бўлмайди. Ташкилотдан ташқари, “олтинбошлар”ни мамлакатга қайтаришда журналистларнинг ҳам ўз ўрни бор, уларнинг ўринли ёритган материаллари, мамлакат ичидаги вазиятга ҳолис танқидий баҳо бера олишлари ички аҳволни яхшилашга хизмат қилади. Ўзбекистондаги ОАВнинг камчилиги шундаки, юқоридан ташаббус бўлгандагина бу борада ғимиллаб қолишади ёки журъат топа олишади. Аслида, журналист ўзи муаммони топиб ҳукуматга кўрсатиши лозим. Зеро, биздаги “олтинбош”лар муаммоси, “қора” ишда ишлаётган бошқа меҳнат муҳожирларникидан кам аҳамиятли бўлмаган масала. Бундай кадрларни четга чиқиб кетиши ва қайтиб келмаслиги мамлакат келажаги, иқтисодий истиқболи учун йўқотиш. Ҳозирги давримизда инсон ақлий капитали энг муҳими саналади. У келтирадиган фойдани бошқа ҳеч бир омил боса олмайди. Ўша биз билган армиянинг кучига куч қўшадиган курулларни ихтиро қиладиган ҳам, иқтисодий ривожланиш учун моделларни ўйлаб топадиган, технологик янгиликлар яратадиган ҳам айнан инсон ақли, аниқроғи, ана шу ақлни ривожлантириш натижасида эришилган билим саналади. Шу сабабдан ҳам, юртимизда шундай кадрларни тайёрлашимиз, мавжудларига имкон яратишимиз, четдагиларини у ернинг тажрибасини ўрганиб келиб, ватанда қўллашига шароит қилиб беришимиз лозим. Муаммони топиш учун эса, аввало, уни вужудга келтирган сабабни топишимиз керак, бу гўёки бирор касалликка қарши восита топишдан олдин, уни келтириб чиқараётган сабабни топиш кабилдир. "Kun.uz" онлайн нашри “Кучли мутахассислар нега Ўзбекистондан кетади?”, “Хориждаги “олтинбош”лар ватанга қайтишга тайёр, лекин маъмурий тўсиқлар туфайли уларни йўқотяпмиз” – Экспертлар ёш олимлар ҳақида” номли материалларни эълон қилди. “Ушбу мақолаларда бир қадар мамлакат ҳудудидаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўрсатиб ўтилган. Ватанга аслида улар қайтишни истайдими? Қайтса қайси шартлар асосида қайтмоқчи? Қайтишга нималар тўскинлик қилмоқда? Булар ҳақида батафсил ёритилган материаллар етишмайди. "Xabar.uz" нашри

хам daryo.uz каби 2020 йилда “Хориждаги ватандошлар” деган лойиҳани йўлга қўйди. "Daryo.uz" интернет нашридагидан фарқли ўлароқ, бунда асосий фокус хорижда яхши лавозимларда ишлайдиган ва ўқиш билан борган юртдошларимиз фаолиятига қаратилган. “Ҳаётдан нолийдиган малайзияликни учратмадим». Куала-Лумпурда маркетинг менежери бўлиб ишлаётган Азамат Яхшибоев билан суҳбат”, “Мамлакатда энг кўп ойликни ўқитувчилар олади”, “Финландиядаги ҳамюртимиз билан суҳбат”, “Ўқитувчининг маошига машина беради”. “Норвегиядаги ҳамюртимиз билан суҳбат” мавзуларидаги материалларда таълим тизимидаги муаммолар асосий сабаблардан бири сифатида кўрсатилган ва таклифлар киритилган. “Ақллилар” миграцияси билан боғлиқ материалларда аксарият ҳолларда интервью жанридан кенг фойдаланилади. “Кўплаб интервьюлар шуни кўрсатмоқдаки, турли сабабларга кўра, кўпчилик кишилар Ўзбекистонга қайтишга қизиқиш билдирмаяптилар. Чунки улар қайтганда коррупция, эски усулдаги бюрократия, жамоатчилик администрацияси реформаларидаги етишмовчиликлар, соғлиқни сақлаш ва фарзандлари учун таълим тизимидаги камчиликлар билан тўқнаш келадилар ёки келишлари мумкин” [Эралиев Ш., 2019; 28] – дея ёзади ёш тадқиқотчи олим Ш. Эралиев. “Буюк келажак” ташкилоти экспертларининг кўп қисми, ушбу ташкилотни бир йил ўтар-ўтмас тарк этдилар. Уларга бошқа аҳоли қатламига қараганда етарли миқдордаги маош белгиланган эди. Лекин, молиявий тарафдан таъминланган бўлса-да, уларга бу ерда қолишга ва яшашга нима ҳалақит берди? Ички ташкилий тизимми? Коррупциями? Ёки яна қандай омиллар? ОАВда ушбу масалага кенг тўхталиб ўтилмайди ва нега қайтиб келган “олтинбошлар” Ўзбекистонни қайта тарк этаётганларининг сабаблари билан ҳеч ким қизиқмайди.

2016 йилнинг сўнги – 2017 йилнинг аввалига қадар бўлган даврда Ўзбекистон интернет нашрларида нафақат миграция масаласида, умуман, бошқа масалаларда ҳам цензура кучлилик қилар эди. Ушбу даврга қадар миграция мавзуси тенденциясини кузатсак фақат чет элдаги миграция жараёни ва Европадаги қочоқлар билан боғлиқ хабарлар учраган. Маҳаллий ташқи ва ички миграция ҳақидаги янгиликлар кам сонли бўлиб, мавжудлари ҳам фақатгина ижобий мазмунда эканлигини кузатиш мумкин: “2015 йилда Ўзбекистонда миграция қолдиғи 25 фоизга камайди”, “Россия Федерал миграция хизмати: 2015 йилда Россияда қонуний ишлаётган муҳожирлар сони 30 фоиздан кўпроққа ошди”. Умуман, интернет нашрларда маҳаллий хабарлар кам бўлиб, асосий янгиликлар чет эл манбаларидан олинган ҳолда ўқувчига етказилган, ҳозирда маҳаллий хабарларга кенг ўрин берилаётгани, шу билан бирга, имкон қадар турли хорижий манбаларга мурожаат қилинаётганини кузатиш мумкин. ВВС нашри 2015 йилдаги материалида муҳожирларга нисбатан ўзбек интернет нашрларидаги ёндашув ҳақида, “Россияга ўзбекистонликларнинг миллионлаб сонда кетиши, у ердаги сарсонгарчиликлар ва бу манзаранинг иқтисодий омиллари ҳақида ҳеч нарса дейилмайди” – дея таъкидлайди. Фақатгина, баъзи ўринлардагина kun.uz, daryo.uz каби хусусий интернет нашрларда нисбатан оз бўлса-да очиклик ва ўзгача ёндашув мавжуд эди. Аммо, уларда ҳам ишсизлик, кам миқдордаги ойлик маоши,

газ-свет муаммолари ҳақида гап-сўз ҳам бўлмаган. 2017 йилдан Ўзбекистондаги интернет-нашрлар муҳожирлар ҳаётини ёритишда нафақат мақолалардан балким, видео ёзувлардан ҳам фойдаланишни бошладилар. Бирок, газеталарнинг интернет саҳифаларида ушбу даврга қадар ҳам ундан кейин ҳам миграция мавзусига бўлган ёндашув сезиларли даражада ўзгармади. Миграция масаласида ҳукумат кишилари томонидан ҳам сукут маъқул кўриларди, сўнгги йилларда эса улар тарафидан ҳам бу мавзу тилга олина бошлади ва уларнинг муҳожирларга нисбатан бўлган ҳайрихоҳлиги интернет-нашрларда ҳам эълон қилинди (“Мигрант бўлиш осон эмас. Бу ашаддий синов — Абдулазиз Комилов”, “Депутат Расул Кўшербойев Ташқи ишлар вазирлиги ўзбекистонликларни ҳимоя қила олмаётганини маълум қилди”).

Глобал дунёда миграцияни бутунлай тўхтатиб бўлмайди. Унинг устига Ўзбекистон каби давлатларда мамлакатга пул оқимининг кириб туриши жуда муҳим саналади. Аммо, миграция жараёнининг оғриқсиз кечишини таъминлаш мумкин. Бунинг учун унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкам бўлиши талаб этилади. Мамлакатимиздан бораётган мигрантларнинг географик жиҳатдан асосий қўним топувчи давлати кўп йиллардан бери Россия Федерацияси бўлса-да, Россия Федерацияси билан 2017 йил 5 апрелга келиб, бу борада иккита келишувга эришилди: “Биринчиси, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча иш билан таъминлашга ташкилий танлов асоси-да жалб қилиш тўғрисида”ги келишув бўлиб, бу миграцияни қонунийлаштиришни назарда тутди. Иккинчиси, “Миграция соҳасида ваколатли органларнинг ваколатхоналарини ўзаро ташкил этиш тўғрисида”ги келишув бўлиб, бу миграцияни бошқариш ва назорат қилиш йўналишидаги ҳамкорликни билдиради” [саа. network.org, 28.06.2017]. Интернет нашрларда муҳожирларнинг дуч келаётган турли муаммоларга ҳуқуқий омиллар сабаб қилиб деярли кўрсатилмайди. Мутассадиларинг бу борадаги фикрлари ўрганилмайди ва уларнинг бу масалага эътиборини жалб этувчи материаллар мавжуд эмас. Шунингдек, муҳожирларнинг ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқлари билан таништириб борувчи материалларга кўз тушмайди. ОАВнинг бу борада фаол эмаслиги ҳам муҳожирларнинг фожеали тақдирига таъсир қилади.

Қочоқлар масаласи 2015–2017 йиллари дунё оммавий ахборот воситаларининг кундалик мавзусига, асосий объектига айланган бир даврда мамлакатимиз ОАВ, хусусан, сўнгги йилларда талабгор бўлиб бораётган интернет нашрлар бу жараёнда қай даражада иштирок этмоқдалар? Ўзбекистон онлайн оммавий ахборот воситалари қочоқлар мавзусини ёритишда уларни қисқа хабар кўринишида етказиш билан кифояланишади. Оригинал, бевосита бирламчи манбаалар асосида тайёрланган журналистик материаллар учрамайди, муаммонинг моҳиятини ёритишда баъзи ўринларда бир тарафлама ёндашув, чуқур таҳлил ва кузатувнинг етишмаслиги яққол билинади. Бугунги кундаги Яқин Шарқ мамлакатлари, Афғонистон, Ироқ, Мянма, Нигерия каби мамлакатлардаги қуролли тўқнашувлар оқибатида миллионлаб одамларнинг бошпанасиз, озиқ-овқатсиз қолганлиги фақатгина хорижий ОАВ нигоҳи орқалигина ўзбек ўқувчисига

етказилмоқда. Жаҳон майдонида содир бўлаётган воқеаларни ёритишда миллий журналистикамиз ҳақиқий таҳлил ва танқид этувчи журналистикадан кўра "таржима журналистика" сига айланиб қолмоқда. Маълумотлар бирламчи манбаа орқали етказилмаслиги сабаб, чет эл оммавий ахборот воситалари ва рус ҳукумати позициясини тарғиб этишдан иборат бўлиб қолмоқда. Бунинг молиявий сабаблари борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бироқ, таржима қилишда асосан рус тилидаги манбаларга суяниб қолинаётгани, бир эмас, бир неча манбаларнинг муносабати таҳлил этилмаслиги кўзга ташланади. Қочоқлар ҳақидаги материаллар асосан "Германия фуқаролари: ҳукумат қочоқлар назоратини кўлдан чиқарди", "Иордания: қочоқлар борасида лимитимиз тўлди", "Қочоқлар терма жамоаси Олимпиадада иштирок этади" каби қисқа, тезкор хабарлар кўринишида бўлиб, улар орасида таҳлилий мақолалар, шарҳлар ҳам бармоқ билан саналгудек бўлса-да, учраб туради. Улар орасида, "kun.uz" интернет нашрининг Роҳингя қочоқларига бағишланган "Мянмадаги қонли террор ортида турган аслида ким?" номли мақолада, қочоқларга ким кўмак беради деган саволга кўйидагича жавоб берилган: "Бу ўринда Мусулмон давлат биродарлигидан бир нарсани кутиш наф берадими? Менимча, йўқ. Айниқса, араб-мусулмонларидан мадад кутиш аҳмоқона иш бўлса керак. Ҳозирга қадар фақат Туркия моддий ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқди. Агар минтақада мусулмон ночор аҳоли эмас, ноодатий жинсий қарашга эга кишилар қатлиом қилинганида, АҚШ қараб турармиди? Франциячи? Ўйлайманки, бутун дунё аюҳанос солиб, Мянмадаги вазиятни ёритишга тушган бўлар эдилар. Лекин, ҳозир нотаниш ва кам сонли аҳолидан ташкил топган Роҳингя мусулмонлари ўлиб кетяпти, холос.." Одатий қочоқлар ҳақидаги мақолалардан фарқи ўлароқ, ушбу мақола журналист позицияси акс этиб тургани билан аҳамиятли. Унда доимий нейтралликдан қочилган ҳолда халқаро сиёсий майдондаги жараёнларга нисбатан журналист ўз сўзини айта олган. "Qalampir.uz" сайти раҳбари Қамариддин Шайхов эса, Туркияда жойлашган қочоқлар лагери билан шахсан ўзи танишган ва буни ўз мақоласида ёритган: "Бир томондан бу ердаги вазият аҳолининг дангаса бўлиб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда, дейиш мумкин. Биз суҳбатда бўлган суриялик қочоқлардан бири 6 йилдан буён оиласи билан шу лагерда яшайди. Унинг ёши 33да. Аёли ҳам, ўзи ҳам ҳеч қаерда ишламайди, ишлашга ҳаракат ҳам қилиб кўрмайди. 6 йилдан буён ҳукуматдан олаётган пулига истиқомат қилади. Хўш, уларни лагерларда сақлашдан, шунча йил давомида боқимандалигига кўз юмишдан мамлакатга нима наф?" [qalampir.uz, 25.07.2017]. Мақолада журналист тарафидан кўпчиликни қизиқтирган савол ўртага ташланган. Шу билан бирга, бирламчи манба орқали етказилган ушбу материалдаги журналист ёндашуви бечора, аҳволи танг, имконсиз бўлган қочоқлар ҳақидаги тасаввурларимизни тарқатиб юборади. Сайт саҳифасидаги суратлар ҳам одатий кўриб ўрганилган, юракни "эзувчи" қочоқлар расмларидан фарқли. Вақтли матбуотимизда "Хуррият" газетасининг интернет нашридагина қочоқлар мавзусига доир кенгроқ ёритилган материалларни учратамиз. Шарофиддин Тўлаганов муаллифлиги остида эълон қилинган "Тимсоҳнинг кўз ёшлари" (ёки "араб баҳори"нинг "европа кўзи"га

айлангани ҳақида) номли мақола, шулар жумласидандир. Ушбу матнда журналист таҳлили ва кузатуви мавжуд. Авваламбор, мақоланинг асл мақсадини кўрсатиб бера оладиган, жуда ўринли сарлавҳа танлангани муаллифнинг ютуғи бўлган. Ушбу мақолада қочоқлар, асосан, муҳожирлар номи билан юритилган ва бўлаётган воқеаларда ғарб мамлакатлари айбдор ва муҳожирларни қабул қилишга мажбурдир дея такрор ва такрор таъкидланган – “...бир вақтлар ғарб Шарқ мамлакатларига демократия ваъда қилган...Аммо... фаровонлик эмас, бошбошдоқлик юзага келди. Мамлакат аҳли эса тинч ҳаёт илинжида ўз юртларини ташлаб Европа сари йўлга чиқмоқда. “Нима эксанг, шуни ўрасан” деганлари шу бўлса керак. Европа ўз эшикларини муҳожирлар учун ёпа олмайди. Чунки айнан ғарбнинг Шарққа демократия экспорти оқибатида мазкур минтақаларда тинч яшаб келаётган халқларнинг уйи ва тинчи бузилди...Европа ўз кадриятларидан жудо бўлмаслик учун ҳам муҳожир ва қочқинларга ёрдам бериши керак бўлади”. Бу турдаги позиция Шарқ мамлакатлари ОАВда кўпроқ кўзга ташланади. “Албатта, муҳожирлар билан боғлиқ муаммоларни чекловлар жорий қилиш ва чегараларни мустаҳкамлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жаҳон ҳамжамияти оёққа туриши керак” – дея муаммо ечимига нисбатан журналист ўз қарашларини билдириб ўтган. “Хуррият” газетасининг веб-саҳифасидаги яна бир “Урушлар, қочоқлар ва аскар болалар” номли материални олиб кўрайлик. Ушбу мақоланинг асосий қисми фактлар ва рақамлардан иборат. Улар орқали, вазиятнинг қанчалик аянчли эканини кўрсатишга ҳаракат қилинган. Ҳозирги замон матбуотида рақамларни шунчаки ёзиб қўйиш яхши натижа бермайди, уларнинг бу даражада кўплиги ўқувчини чалғитиб юборади. Бундай вазиятда инфографика усулидан фойдаланиш орқали, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Мақоланинг бирор ерида журналистнинг шахсий фикри, унинг вазиятга бўлган муносабати, муаммо сабаби ёки ечими учрамайди. “Qalampir.uz” сайтида, “Дунёнинг кичик ёшдаги қочоқлари: улар нималарни орзу қилади?” номи остида еълон қилинган материалда афғон ва суриялик қочоқ болаларнинг суратлари ва уларнинг остида қисқа изоҳлар бериб ўтилган. Одатдаги, ўзбек матбуотига хос бўлган қисқа хабарлардан фарқли равишда, уни ўқиган кишида урушнинг келтирган талофати, қочоқлар қочиб ўтган мамлакатлар ва ўз юртларидаги аҳвол ҳақида бемалол тасаввурга эга бўлиш мумкин. “Xabar.uz” – ахборот-таҳлилий сайтида “Ватанида ватансизлар” номли материал Лазиз Раҳматов муаллифлиги остида берилган бўлиб, унда мянмалик қочоқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Материал кенг ва батафсил, фактлар билан бойитилган ҳолда ёзилган. Унда бўлаётган вазиятга Хитой, Ҳиндистон, Россия, Канада, Британия ва Форс кўрфази каби бир қатор мамлакат етакчиларининг, шунингдек, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган Халқаро ташкилотлар вакилларининг фикрлари келтирилган. Халқаро ташкилотлар фаолиятига бошқа кўплаб чет эл нашрлари каби салбий баҳо берилган – “Минг афсуски, долзарб муаммоларни ҳал этишда БМТнинг ўрни сезилмаяпти. Ташкилот оғриқли масалаларни тезда ечиш ўрнига оғиркарвонлик қилаяпти”. Материлда қочоқларни тушуниш, ҳис этиш ва уларга ачиниш руҳи билан ёндашилганини кўриши мумкин. ”Ҳибсга олинганлар ора-

сида 10 ёшдан кичик ва 75 ёшдан катталар борлиги ҳам кишининг ғазабини кўзғатади”. Умуман, ўзбек интернет нашрлари сегментида қочоқлар ҳақидаги материаллар шу позициядан туриб тайёрланади. Бунга сабаб, қочоқларнинг аксарияти дини ва эътиқоди бир бўлган кишилар, десак хато бўлмайди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон интернет нашрларида муҳожирлар ҳақида гап кетганда мигрантларнинг асосий қисмини ташкил этувчи меҳнат муҳожирлари ҳақидаги материалларга кенг ўрин берилади. Сўнгги икки йилда эса “ақллилар” миграциясига ҳам эътибор қаратилмоқда. Ушбу турдаги материаллар сони ортиб бормоқда. Бирок, хорижий мамлакатлардан бошпана сўраб мурожаат қилувчилар ҳақида бирор-бир материал мавжуд эмас. Ваҳоланки, уларнинг сони “2005–2013 йиллар оралиғида 35024 нафарни ташкил этган” [Prague process.EU., 2015; 21].

Онлайн нашрлардаги миграция билан боғлиқ материаллар, асосан, уч хил жанрда тақдим этилади. Биринчи энг кўп тарқалгани, бу – хабар. Иккинчиси – таҳлилий мақола, учинчиси – интервью. Муҳожирлар мавзусида интернет нашрларда “секин журналистика”га мурожаат қилиш кўпроқ самарадорлик беради. Ушбу усул муаммони юзаки эмас, ичига кириб ўрганишга ёрдамлашади. Шунингдек, замонавий жанрлардан “Story telling” ва “Long Reed” ўқувчини ва ушбу масалага масъул бўлган шахсларни масаланинг моҳиятини тушуниб етишлари учун хизмат қилади. Ўзбек онлайн нашрларида шу жиҳатга эътибор бериш керак.

Бизнинг интернет журналистикамиз фаолияти кўп ўринларда таржима журналистикага айланиб қолган эди. Бу эса, ана ўша мамалакат ОАВнинг позициясини ўзи билмаган ҳолда кишилар онгида шакллантиришга сабабчи бўлади. Россиядаги муҳожирлар масаласини ёритишда, Россия нашрларига сўзсиз мурожаат қилинади. У ердаги маълумотлар таржима қилиб етказилади. Бўлган воқеа-ҳодислар бизнинг журналистлар томонидан ўрганилмайди, бунинг молиявий сабаблари борлигини, нашрлар ўз халқаро муҳбирларига эга эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Эътироф этиш керак бўлган жиҳати ҳам бор, сўнгги йилларда онлайн нашрлар Россия ОАВ билангина чекланиб қолмай, муҳожирлар масаласини имкон қадар жойларга бориб ўрганишлари кузатилмоқда. Маълумотларни олишда Россия ахборот майдонидан чиқиб, бошқа инглиз тилли хорижий нашрларга ҳам мурожаат қилина бошланди. Бир мамлакат ОАВ билан чекланиб қолинмаяпганлиги ўзаро солиштириш имконини тақдим этади, ҳаққонийроқ ва холисроқ ахборот олишга ёрдам беради. Жойларга бориб иш-лашнинг имкони йўқ экан турли манбаларга мурожаат қилиш самарали усул-дир. Шунингдек ушбу вазиятда, фуқаролик ва мобил журналистикадан фойдаланиш ҳам ижобий натижа беради. Интернет нашрлар миграция жараёнларига сўнгги йилларда тезкор муносабат билдиришга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон интернет нашрлари муҳожирлар ва миграция масаласини босма нашрларга қараганда кенгроқ ракурсда ёритиб боради. Интернет нашрларда эмигрантларга нисбатан, фақатгина ҳайрихоҳлик билан ёндашилади. Аммо, муаммонинг асл

сабаби – турли хил омилларга кўра очикланмайди. Муаммонинг ичида эмас, атрофида айланиб юрилади. Кучли таҳлил, изланиш, қиёслаш етишмайди. Мавзуни ёритишда асосан масаланинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратилади. Ҳуқуқий жиҳатлари – муҳожирлар ҳуқуқларининг етарли таъминланмаганлиги, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги масалаларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Ижтимоий омиллар – миграция натижасида болаларнинг тўлиқ оилада вояга етмаслиги, аёлларнинг турли йўлларга кириб кетиши, “одам савдо”си, ҳаётий зарур бўлган маиший эҳтиёжлар билан барча ҳудудларнинг таъминланмаганлиги каби жиҳатлар ҳам очиб берилиши керак. Коррупция, бюракратия ва бошқа шу каби сабаблар ҳам миграциянинг, хусусан, “ақллилар” миграциясининг асосий сабабларидан биридир.

Президент Шавкат Мирзиёев “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари”га биринчи бора йўллаган табригида бир жиҳатга алоҳида урғу берди: “Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаёт барчамиздан дадил ҳаракатларни, фаол ташаббусларни, ҳамма соҳада ҳаққоний ва одил муносабатни талаб этмоқда” [Маърифат, 2017.28.06]. Шу боис, шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот асрида, тезкорликка, ҳаққонийликка асосланган ва албатта, ўз муносабатига эга бўлган материалларни тайёрлаш оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалардандир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Allayev F. Muhojirning qadrini bilgan bildi. [Only someone who knows an immigrant understands its value]. Available at: <https://www.xabar.uz/ru/mualliflar/firuz-allayev/muhojirning-qadrini-tushungan>. (accessed 31.01.2018)
2. Eraliev Sh. Return migration as a brain gain for Uzbekistan? The challenges of attracting highly skilled Uzbeks abroad. New voices from Uzbekistan. Insitute for European, Russian and Euroasian Studies. The George Washington University 2019.-P.28.
3. Egamberdieva N. O'zbekistonda migratsiya ta'siridan bolalarni himoyalash bo'yicha loyiha ishga tushirildi. [Project to protect children affected by migration launched in Uzbekistan]. Available at: <https://www.unicef.org/uzbekistan/uz/press-releases/%C6%A1zbekistonda-migratsiya-tasiridan-bolalarni-himoyalash-b%C6%A1lyicha-loyiha-ishga>
4. EurasiaNet, Uzbekistan: nachalo resheniya problem trudovoy migratsii. [Uzbekistan: the beginning of solving the problem of labor migration]. Available at: <https://www.refworld.org/docid/5a28fa744.html>
5. F.Tolipov. O probleme i ssenariyah razvitiya trudovoy migratsii v Uzbekistane. [The problems and possible scenarios of labor migration in Uzbekistan], 2016. Available at: <https://cabar.asia/ru/farhod-tolipov-o-probleme-i-stsenariyah-razvitiya-trudovoj-migratsii-v-uzbekistane> (accessed 10.06.2016)
6. Mirziyoyev Sh. Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlariga bayram tabrigi. [Congratulations on the day of press and mass-media workers]. Ma'rifat, 2017.28.07.
7. Prague process. Respublika Uzbekistan: Bazoviy migratsionniy profil. [Republic of Uzbekistan: Basic Migration Profile]. EU-2015, 21 p.
8. Trudovaya migratsiya iz Uzbekistana v Rossiyu.[Labor migration from Uzbekistan to Russia]. Available at: <http://caa-network.org/archives/9553>. (accessed 28.06. 2017)
9. UNICEF. O'zbekistonda migratsiyaning bolalarga ta'sirini o'rganish. [Effects of migration on children of Uzbekistan]. Hisobot.[Summary report]. 2020, 3 p.
10. UNDP. Trudovaya migratsiya v respublike Uzbekistan: Sotsialnie, pravovie i gendernie

- aspekti. [Labor migration in the republic of Uzbekistan: social, legal and gender aspects]. Tashkent, 2008, 15 p.
11. Volkov V. Uzbekistan povarachaetsya litsom k svoim trudovim migrantom. [Uzbekistan turns to face its labor migrants]. Available at: <https://www.dw.com/ru/узбекистан-поворачивается-лицом-к-своим-трудовым-/a-38710756>. (accessed 08.05.2017)
 12. Zokirov N. Prezident Mirziyoyev vatandoshlarga nima dedi? [What did President Mirziyoyev say to his compatriots?]. Available at: <https://www.amerikaovozi.com/a/4038113.html>. (accessed 21.09.2017)
 13. Zoxitova N. The Role and influence of the media in covering migration processes. Journal of psychosocial rehabilitation, 2020, vol. 24, issue. 6. pp. 447-455. doi: 10.37200/IJPR/V24I6/PR260048.
 14. Kun.uz, Daryo.uz, Qalampir.uz, Xabar.uz kabi internet nashrlarning mavzuga aloqador bo'lgan materiallaridan tahlil uchun foydalanildi [Related materials from online publications such as Kun.uz, Daryo.uz, Qalampir.uz, Xabar.uz were used for analysis].